Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 56 (507) 2021 йил 16 июль, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Шайхонтоҳур туманида **3 гектар**дан ўрин олган савдо мажмуаси қуриляпти. Унинг том қисмида футбол майдони ҳам бўлиб, атрофида **1 гектар**ли хиёбон барпо қилинади.

Андижоннинг Балиқчи туманида маҳаллий бюджет маблағларини йўналтириш ҳисобига **6 та** маҳаллада ички йўллар тузатилиб, турли қувватдаги трансформаторлар ўрнатилишига киришилди.

Тўрткўл туманида **рақамли технологиялар маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.** Бу жойдаги ёшлар энди дастурлаш, мобил иловаларни яратиш кабиларни ўрганишади.

"Ўзсаноатқурилиш-материаллари" уюшмасидан олинган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-май ойларида саноат корхоналарида **12 млн 231 минг** метр керамик плиталар ишлаб чиқарилган.

2-Катта Чилонзор мавзесидаги ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ишлари жадаллашяпти. Жумладан, бу жойдаги 225 МТТга ажратилган **1,4 млрд** сўм маблағ ҳисобига бунёдкорлик ва таъмирлаш юмушлари олиб борилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН:

# МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон 15 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Икки мамлакат Бош вазирлари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон – Покистон бизнес форумида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ришталар бугунги кунда тарихий илдизлардан куч олиб, янада ривожланмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар, Муҳаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб сингари улуғ мутафаккир ва шоирларнинг ўлмас мероси, маърифий қарашлари халқларимизни боғлаб турадиган мустаҳкам маънавий кўприкдир.

Шу сабабли Покистон Бош вазирининг мазкур ташрифига муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб қаралмоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга илк ташрифи икки томонлама шерикликнинг янги даврини бошлаб берганини таъкидлади.

**– Покистон бизнинг вақт синовидан ўтган муҳим ҳамкоримиз. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган. Бугун биз уларни стратегик шериклик даражасига кўтарамиз. Ҳозирги мураккаб вазиятга қарамасдан, ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожланмоқда. Барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз, – деди Шавкат Мирзиёев.**

Покистон Бош вазири Ўзбекистонда бўлиб турганидан мамнунлигини айтиб, бу пандемия бошланганидан буён унинг илк хорижий ташрифи эканини таъкидлади.

Учрашувда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни, айниқса, инвестициялар ва йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш йўналишида мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама мулоқот ва алоқалар анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёев билан Имрон Хоннинг 2019 йилда Пекин ва Бишкекда ўтган учрашувлари, шу йил апрелдаги онлайн саммити икки мамлакат учун янги истиқболлар очди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасидаги ташрифлар натижасида алоқалар амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Учрашувда сиёсий маслаҳатлашувларни, олий ва юқори даражадаги мулоқотни доимий ўтказиб боришга келишиб олинди. Алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш учун Стратегик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида у ерда барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор экани таъкидланди. Бу минтақада транспорт йўлакларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш учун имконият яратади.

Ўзаро савдо айланмасини кўпайтириш, бунинг учун карго-авиақатновларини йўлга қўйиш, икки томонлама имтиёз ва преференциялар бериш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Имрон Хон самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини Покистонга ташриф билан боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, ҳар иккала мамлакатнинг тараққиётга эришиш йўлидаги ислоҳотлари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг ва ўхшаш эканини таъкидлади.

**– Дунёда юксак нуфузга эга Покистон Ўзбекистон учун салоҳиятли ва истиқболли ҳамкордир. Сиз билан биз "Ная Пакистон" ва Янги Ўзбекистонни қураяпмиз. Ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларимизнинг мазмуни ва руҳи бир-бирига ўхшаш ва уйғундир. Сизнинг ушбу ташрифингиз кўпқиррали муносабатларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, – деди Шавкат Мирзиёев.**

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни кенгайтириш ва ривожлантиришда интилишлари қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини қайд этдилар.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашув ўтказди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат етакчилари афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яна бир бор таъкидлаб, инклюзив афғонлараро музокаралар тез фурсатда қайта тикланишининг тарафдори эканликларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонда барқарор тинчликка эришилишига фаол кўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.

Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Пандемияга қарамай, жорий йилнинг беш ойи якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ортди. Ўзбекистонда Афғонистон сармояси иштирокида 160 та янги корхона ташкил этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш баробарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қўшма транспорт ва энергетика инфратузилмаси лойиҳаларини, хусусан, "Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли ва янги "Сурхон – Пули-Хумри" электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, эришилган келишувларни амалга ошириш борасида қатъий эканликларини қайд этдилар.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Вазир Ван И давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуси юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган конференция муваффақиятли бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳалар ва кўп қиррали ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пандемияга қарши курашда яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро кун тартиби, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 37-моддаси нима ҳақида?



**37-модда.** Аҳоли пунктларининг бош режалари тасдиқланганлиги тўғрисидаги ахборот

**Аҳоли пунктларининг бош режалари тасдиқланганлиги тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:**

- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;
- давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли пунктлари бош режаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари ҳақидаги маълумотлар;
- аҳоли пунктларининг бош режалари тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жамоатчилик муҳокамаларининг якуний ҳужжатларини, жамоатчилик экспертизаларининг хулосаларини оммавий ахборот воситаларида ва махсус ваколатли давлат органининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилиш, дастурлар ва шаҳарсозлик ҳужжатларини намойиш қилишга доир тадбирлар орқали жамоатчилик назорати субъектларини аҳоли пунктларининг бош режалари тасдиқланганлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан беш кундан кўп бўлмаган муддат ичида хабардор қилиши шарт.

Аҳоли пунктларининг бош режалари тасдиқланганлиги тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тақдим этилади.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ

## ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади

**Аваз ХУДОЙҚУЛОВ,**
ЎзА мухбири.

**Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференция доирасида Марказий Осиё халқаро институтининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман, минтақа давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди.

Тадбир аввалида Т. Норбоева Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё халқаро институти очилиш маросими қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари табригида қайд этилганидек, мазкур институтни ташкил этиш ҳозирги замон, минтақавий ривожланиш ва тарихий давр талабидир. Бу Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган ташқи сиёсий йўлини давом эттириш тарафдори эканининг амалий тасдиғидир.

Дарҳақиқат, мазкур институт, энг аввало, минтақа давлатлари ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган стратегия ва дастурларнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, уларни илмий асосланган ҳолда чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

2-бет



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№56 (507) 2021 йил 16 июль

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

1-бет

Кейинги даврда ўтган учрашувлар ҳамда онлайн-саммитдан сўнг ўзаро муносабатларда катта силжишга эришилди. Кўпқиррали мулоқотлар ва маданий алмашинувлар фаоллашди.

14 июль куни Ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши ўтказилди. Покистон Бош вазирининг ташрифи доирасида пойтахтимизда биринчи марта Ўзбекистон ва Покистон ишбилармонлари бизнес форуми ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида савдо ҳажми тўрт баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони деярли юздан ортиққа кўпайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 163 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Покистон Жанубий Осиё ва жаҳоннинг йирик бозорларига чиқишда Ўзбекистон учун муҳим кўприк вазифасини ўтайди. «Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўлининг қурилиши нафақат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, балки минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилади.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон делегациялари халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида ушбу улкан лойиҳани муҳокама этиб, темир йўлни қуриш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси»)ни имзолаган эдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз савдо-иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга экани, ўзаро савдо ҳажмини 4-5 баробар кўпайтириш учун шароит борлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда кооперацияларни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу соҳалардаги лойиҳалар яқин ҳамкорликда амалга оширилса, Ўзбекистон ва Покистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар очилади.

Музокарада бундай лойиҳаларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва тез фурсатларда амалга ошириш учун барча зарур ёрдам ва имтиёзларни беришга келишиб олинди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Жорий йил февраль ойида Панжоб губернатори юртимизга ташриф билан келди. Наманган вилояти делегацияси Панжоб ва Синд провинцияларида бўлди.

Учрашувда икки мамлакат бошқа вилоятларини ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан боғлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 16 июндан Тошкент ва Лаҳор ўртасида авиақатнов тикланди. Янги ҳаво йўналишларини йўлга қўйиш юк ташишларнинг кенгайиши ва ўзаро туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистондаги салбий вазиятнинг авж олишига йўл қўймаслик учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ишга солишга, афғонлараро тинчлик музокараларини қайта тиклашда кўмаклашишга тайёрлиги қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасида қўшма гуруҳ тузиш, унинг илк мажлисини Тошкентда ўтказиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, муштарак маънавий меросимизни биргаликда ўрганиш, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистонда Покистоннинг бой тарихи, маданияти ва санъатига, хусусан, урду тилини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Шарқнинг буюк шоири, урду адабий тилига асос солган улуғ мутафаккир Мирзо Ғолибнинг ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганилмоқда.

Ўз навбатида, Покистонда ҳам ўзбек тили ва адабиёти, мамлакатимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган лойиҳаларга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Панжоб университети қошида Бобур мероси маркази, Пешовар университетида ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Алишер Навоий маркази очилган.

Юртимизда Лаҳордаги бетакрор Шоҳ қалъа меъморий мажмуасини, гўзал Шалимар боғларини зиёрат қилишни истайдиган одамлар кўплаб топилади.

Бугунги кунда Покистонда 10 миллионга яқин нақшбандия тариқати вакиллари, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кўплаб мухлислари бор. Уларнинг Бухорои шариф, Самарқанд ва Андижондаги табаррук қадамжоларга зиёрат сафарини амалга оширишлари учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрлик билдирилди.

Икки мамлакат киноижодкорлари ҳамкорлигида Бобур бобомиз ҳақида фильм суратга олишга келишилди.

Инсон саломатлигини асраш йўлида тиббий таълим соҳасида ҳамкорликни кучайтириш халқларимиз манфаатларига хизмат қилиши табиийдир. Шу жиҳатдан, сўнгги уч йилда покистонлик ёшларнинг Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртларида таҳсил олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани қувонарли. Айни пайтда мамлакатимизда 750 дан ортиқ покистонлик ёшлар мазкур йўналишда таълим олмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги бундай муносабатлар халқларимизнинг бир-бирига бўлган самимий интилиши, ўзаро ҳурмат ва эътибори ифодаси экани алоҳида қайд этилди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Ташриф доирасида имзоланган 8 та ҳужжат алмашилди. Транзит ва савдо тўғрисидаги ҳамда Ишбилармонлар ва сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартибларини соддалаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, 2021-2026 йилларга мўлжалланган Маданий алмашув дастури, давлат чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисида баённома, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Покистон дипломатик хизмат академияси ўртасида англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия мажлиси ҳамда Ўзбекистон – Покистон бизнес форумида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган шартномалар имзолангани маълум қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчиларининг музокаралари якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг расмий ташрифини давлатлараро муносабатлар тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолади.

**– Кўп қиррали алоқаларимиз охирги йилларда сифат ва мазмун жиҳатидан юқори босқичга кўтарилиб бораётгани бизни мамнун этади. Ҳозиргина якунланган тор ва кенгайтирилган доирадаги музокаралар дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги интилишларимиз қатъий эканини исботлади. Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигининг бугунги юқори даражасидан келиб чиқиб, давлатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладик. Бу муҳим қадам алоқаларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, деб ишонч билан айта оламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.**

– Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим, иншооллоҳ, охиргиси бўлмайди. Биз жаноб Президент билан жуда кенг қамровли мулоқот қилдик. Суҳбатимиз ғоятда самимий бўлгани ва узоқ давом этганидан унинг охирига бориб мен ўзбекчани тушуна бошладим. Чунки урду тили билан ўзбек тили бир-бирига яқин. Бугунги кунда Покистон ва Ўзбекистонда аҳолининг қуйи қатламларига эътибор қаратиш, камбағалликни қисқартириш, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамоҳанг. Биз савдо-иқтисодиёт, транспорт, таълим, маданият, туризм соҳаларидаги имкониятларни атрофлича муҳокама қилиб, стратегик келишувларга эришдик, – деб таъкидлади Имрон Хон.

Ўзаро ишонч ва очиқлик, самимий ва амалий руҳда ўтган самарали музокараларда шерикликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, "ўсиш нуқталари" белгиланганини қайд этилди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ўсгани, келгусида ушбу рақамларни яна тўрт-беш баробарга ошириш бўйича келишиб олингани таъкидланди.

Транзит ва савдо тўғрисидаги битим режалаштирилган улкан мақсадларга эришишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги, уруғчилик ва чорвачилик, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга келишилгани маълум қилинди.

"Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли қурилиши масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилгани қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани айтилди. Томонлар нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни давом эттиришини тасдиқладилар.

Шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтилди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Олий мартабали меҳмон 16 июль куни Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этади. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиш кўзда тутилган.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИГА БАҒИШЛАНГАН БИЗНЕС-ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳамда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси билан ҳамкорлигида, пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимизнинг "Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси муҳокама этилди.**

Юртимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва туманларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳисобига аҳоли бандлиги ҳамда маҳаллий маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани натижасида сўнгги тўрт йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоизга ошди. Шу жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатнинг ҳудудларда жадал ривожланаётган тармоқлари 1,3 баробардан кўпроқ ўсганини кўриш мумкин.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Воитов қайд этилган фармонга кўра, маҳаллий саноат тармоқларини ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган янги яхлит тизим жорий этилаётгани, бунинг учун "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ҳузурида Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил қилингани ҳамда тармоқда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан имтиёзлар берилаётганини таъкидлади.

Фармонга биноан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқаруви раиси С. Анакличев бир пайтнинг ўзида Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси вазифасини ҳам бажариши белгиланди. Шу боис, банк томонидан соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида янада фаол ишлар олиб борилмоқда.

Фармон асосида "Ўзсаноатқурилишбанк"ка Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш бўйича келишувлар амалга оширилаётгани, Банк томонидан 300 млн долларлик еврооблигацияларни муомалага чиқариш ишлари олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Бундан ташқари, банк томонидан "Ўзстандарт" агентлиги билан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманларда замонавий лабораториялар ташкил этиш, корхоналарнинг раҳбар ва ходимларини халқаро сифат талаблари ҳамда стандартларига ўргатиш тизимини яратиш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

"ЎзқурилишматериалЛИТИ" МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази билан биргаликда етакчи хорижий олийгоҳларини жалб қилган ҳолда, қурилиш материаллари соҳаси учун малакали ва зарур кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Тошкент кимё технология институтида Германия ва Россиянинг нуфузли университетлари билан бирга 5 та янги йўналишда ўқишни ташкил этиш ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти билан биргаликда Туркиянинг ихтисослашган олийгоҳларини жалб этган ҳолда муҳандис ва технологлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича тегишли вазирликлар билан ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнес-форумда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманларда лойиҳаларни ўрганиш бўйича жалб қилинган ишчи гуруҳнинг соҳани ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар бўйича берган хулосалари ҳам муҳокама қилинди.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ
## ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади







1-бет

Маросимда сўзга чиққанлар мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилганини алоҳида эътироф этди.

– Аввало, Президент Шавкат Мирзиёевга минтақа тинчлиги ва тараққиётига қаратилган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси билан чиққани учун миннатдорчилик билдираман, – деди Наталья Герман. – Марказий Осиё халқаро институтининг очилиш маросими ушбу форум доирасида ўтказилаётганида ҳам рамзий маъно бор. БМТ Марказий Осиё давлатлари раҳбарининг сиёсий иродаси ва етакчилиги натижасида минтақа давлатлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорликни юксак баҳолайди. Ушбу жараённи ривожлантиришда минтақавий ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаган Ўзбекистоннинг ўрни катта, албатта.

Марказий Осиё халқаро институти минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган изланишлар, Марказий Осиё хавфсизлиги билан боғлиқ турли бошқа таҳдид ва муаммоларни самарали ҳал этишга қаратилган тизимли тадқиқот ишларини йўлга қўяди. Бундан ташқари, қўшни давлатларнинг ташқи сиёсат концепция ва мақсадларини таҳлилий ёндашувлар асосида пухта ўрганади, минтақавий аҳамиятга эга бўлган турли лойиҳаларни батафсил таҳлил қилади.

Тадбир иштирокчилари институтда ташкил этилган музей, у ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

# 5 ТА МАҲАЛЛА ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Андижон вилояти Избоскан туманидаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.**

Туман сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Ўртақишлоқ маҳалласининг янги идораси очилишига бағишланган тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, маҳалла фуқаролар йиғинлари учун мослаштирилган янги бинолар барпо этилиб, самарали фаолият олиб бориш учун зарур шароит яратилаётганлиги таъкидланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини идораси давлат шерикчилиги асосида тадбиркор Азизбек Ҳайитов томонидан барпо этилиб, зарур барча жиҳозлар билан таъминланди. Қурилиш, жиҳозлаш ишлари учун 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Аввал 3 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган маҳалламизнинг алоҳида биноси йўқ эди, – дейди Избоскан туманидаги "Ўртақишлоқ" МФЙ раиси Моҳирахон Сатторова. – Ҳукуматимизнинг эътибори, туман ҳокимининг кўмаги билан маҳалла идораси учун янги бино қуриб берилганидан жуда хурсандмиз. Раис, ўринбосарлари, профилактика инспектори учун алоҳида-алоҳида хоналар, йиғилиш зали мавжуд бўлган бинода самарали фаолият юритиш учун зарур барча шароит яратилган.

Маҳалла кўркига кўрк бўлган икки қаватли янги бинода, шунингдек, аптека, дўкон, сартарошхона, гўзаллик салони, тиббий-диагностика муассасаси ташкил этилиб, 25 та янги иш ўрни яратилади. Энг муҳими, мазкур хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушиши билан маҳалла аҳолисига қатор қулайликлар яратилади.

Тадбир иштирокчилари янги бинода яратилган шароитлар билан танишди. Туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оила бўлими томонидан маҳалла идорасига компьютер жамланмаси топширилди.

Бу каби бинолар тумандаги Урганжи, Янги Бўстонобод, Навжур ва Тўраобод маҳаллаларида ҳам барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

## “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “Asakabank” АЖ Гулистон филиалининг 2021 йил 13 июлдаги 27/750, 27/751, 27/752-сонли буюртманомалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламига асосан қуйидаги кўчмас мулклар очиқ аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда:**

1. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Баҳор маҳалласи, Тошкент кўчасида жойлашган **яшаш майдони** – 52,28 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 90,05 квадрат метр бўлган 2-уй, 7-хонадон. **Бошланғич баҳоси** – 468 538 750 сўм.

2. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Баҳор маҳалласи, Тошкент кўчасида жойлашган **яшаш майдони** – 52,28 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 90,05 квадрат метр бўлган 2-уй, 31-хонадон. **Бошланғич баҳоси** – 445 251 250 сўм.

3. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, “Иттифоқ” МФЙ, А. Навоий кўчаси ҳудудида жойлашган **фойдали майдони** – 159,16 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 179,8 квадрат метр бўлган савдо дўкони. **Бошланғич баҳоси** – 129 030 138 сўм.

**Савдо 2021 йил 30 июль куни соат 12.00 дан бошлаб Гулистон шаҳри, Бизнес марказ биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 29 июль куни соат 18.00 гача.

**Юқоридаги кўчмас мулклар 2021 йил 30 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йилнинг 16, 30 август, 13, 27 сентябрь, 11, 25 октябрь, 15, 29 ноябрь ва 13, 27 декабрь кунлари соат 12.00 дан бошлаб бўлиб ўтади**.

Такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида 5 (беш) йилдан кўп бўлмаган муддатда тўлов графиги асосида тўловни амалга ошириши лозим. Мулклар зарардан, ёнғиндан ва табиий офатлардан сотиб олувчи ҳисобидан суғурта қилдирилади.

Кўчмас мулклар билан “Asakabank” АЖ Гулистон филиалининг тегишли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. **Тел.:** 67-225-28-83.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 2060 9006 “Asakabank” АЖ Гулистон филиали МФО 00373 СТИР 207 122 519.

**Талабгорлар аукцион савдода қатнашиш учун қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– ариза (буюртманома), закалат пули тўғрисидаги келишувнинг нусхаси ва закалат пули тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – фуқаролик паспорти нусхаси;

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтгани ҳақида гувоҳнома ва устав нусхаси;

– агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, Бизнес марказ биноси, 3-қават, 77-хона.
**Тел.:** 67-226-38-91.
**Расмий сайт:** www.kmsx.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## ТУЗАТИШ

**“Universal Auktsion Invest” МЧЖ** томонидан “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2021 йил 2 июлдаги 52 (503)-сонида берилган эълондаги **“2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 017 QCA бўлган, ранги оқ “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 79 464 000 сўм”** матни ўрнига **“2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 017 QCA бўлган, ранги оқ “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 49 464 000 сўм”,** деб ўқилсин.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “ALBATROS-KREDIT” МЧЖнинг 2021 йил 14 июлдаги 47-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2021 йил 8 июлдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 2-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 9262 | Обр. кольцо; кольцо с зел. кам.; серьги с зел. бел. кам. Общим весом 10,96 гр. | 2 650 027,41 |
| 2. | 9290 | Кольцо с бел. кам. погн., 12 кам. нет; серьги с бел. кам. Общим весом 12,40 гр. | 3 860 350,00 |
| 3. | 9324 | Серьги; кольцо; браслет зв. погн., 1 фраг нет. Общим весом 16,13 гр. | 4 163 350,00 |
| 4. | 9339 | Кольцо с бел. жемч. погн. Общим весом 3,00 гр. | 951 550,00 |
| 5. | 9349 | Кольцо с бел. кам. Общим весом 3,44 гр. | 1 072 750,00 |
| 6. | 9401 | Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 5,65 гр. | 2 943 775,00 |
| 7. | 9402 | Серьги с цв. кам; кольцо с цв. кам. погн.; серьги с цв. кам. погн.; кольцо с цвет. кам.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 22,77 гр. | 7 057 000,00 |
| 8. | 9438 | Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 6,16 гр. | 1 921 150,00 |
| 9. | 9459 | Браслет погн. Общим весом 21,69 гр. | 5 964 875,50 |
| 10. | 9489 | Кольцо погн. Общим весом 9,26 гр. | 2 890 750,00 |
| 11. | 9498 | Кольцо погн. Общим весом 1,65 гр. | 368 612,59 |
| 12. | 9539 | Цепь зв. погн.; кулон погн. Общим весом 5,01 гр. | 1 572 700,00 |
| 13. | 9564 | Серьги с бел. кам.,1 кам. нет; кольцо с бел. кам. погн.; цепь. Общим весом 13,65 гр. | 4 178 500,00 |
| 14. | 9580 | Кольцо с брилл. и биркой; серьги с брилл.; серьги с брилл. и биркой. Общим весом 10,56 гр. | 3 269 071,76 |
| 15. | 9588 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 4,94 гр. | 1 481 800,00 |
| 16. | 9621 | Серьги. Общим весом 6,06 гр. | 2 390 800,00 |
| 17. | 9637 | Серьги с бел. кам., зам. не раб. Общим весом 2,31 гр. | 724 300,00 |
| 18. | 9654 | Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам., погн. Общим весом 8,13 гр. | 2 436 250,00 |
| 19. | 9686 | Браслет погн.; кольцо с брилл., оскол. и зел. кам. Общим весом 5,70 гр. | 1 330 300,00 |
| 20. | 9689 | Браслет с бел. чер. кам. Общим весом 12,63 гр. | 3 601 683,34 |
| 21. | 9694 | Кольцо погн. слом.; кольцо погн.; цепь. Общим весом 10,00 гр. | 2 853 307,28 |
| 22. | 9735 | Серьги слом. (деф.). Общим весом 2,50 гр. | 769 750,00 |
| 23. | 9781 | Кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам.; браслет с зел. кам. и цв. эмал. Общим весом 18,89 гр. | 5 875 300,00 |
| 24. | 9800 | Кольцо. Общим весом 4,90 гр. | 1 527 250,00 |
| 25. | 9851 | Цепь; кулон с цв. эм.; серьги с бел. кам. Общим весом 5,36 гр. | 1 678 750,00 |
| 26. | 9863 | Браслет с бел. кам.; колье с бел. кам.; браслет с бел. кам. и пруж.; кулон син. кр. бел. кам.; кулон; серьги; браслет. Общим весом 70,60 гр. | 20 813 200,00 |
| 27. | 61 | Серьги с бел. кам., погн.; корльцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; Цепь+кулон. Общим весом 9,93 гр. | 2 176 599,20 |
| 28. | 100 | Кулон; кольцо с жел. кам., погн. Общим весом 4,78 гр. | 1 451 500,00 |
| 29. | 125 | Кольцо с бел. кам. Общим весом 3,73 гр. | 1 072 750,00 |
| 30. | 145 | Серьга без пары с бел. кам. Общим весом 2,21 гр. | 587 950,00 |
| 31. | 153 | Кольцо с бел. кам. (1 кам. нет погн.); серьги погн.; Цепь+кулон зв. погн. Общим весом 10,44 гр. | 3 087 700,00 |
| 32. | 175 | Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 4,13 гр. | 954 195,39 |
| 33. | 176 | Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 5,05 гр. | 1 170 631,12 |
| 34. | 192 | Кольцо с бел. кам; серьги с бел. кам. Общим весом 7,00 гр. | 1 527 250,00 |
| 35. | 199 | Обруч. кольцо. Общим весом 4,76 гр. | 769 750,00 |
| 36. | 216 | Серьги; кольцо. Общим весом 9,21 гр. | 2 890 750,00 |
| 37. | 217 | Цепь. Общим весом 5,48 гр. | 1 678 750,00 |
| 38. | 237 | Цепь+кулон с глазком; серьги. Общим весом 5,00 гр. | 1 557 550,00 |
| 39. | 247 | Кулон с бел. кам. нескол. кам. нет; кольцо с бел. кам.1 кам. нет; кулон; серьга с бел. кам. без пары; цепь звен. погн.; кольцо погн. Общим весом 9,72 гр. | 2 994 982,00 |
| 40. | 254 | Браслет с бел. кам.; браслет с бел. кам.1 кам. нет. Общим весом 33,05 гр. | 10 314 250,00 |
| 41. | 290 | Обр. кольцо; кольцо с бел. кам. 1 кам. нет; кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам. Общим весом 15,90 гр. | 4 951 150,00 |
| 42. | 296 | Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 5,25 гр. | 1 527 250,00 |
| 43. | 320 | Кольцо с бел. кам. (1 кам. нет). Общим весом 1,97 гр. | 618 250,00 |
| 44. | 358 | Кольцо с чер. бел. кам. Общим весом 4,83 гр. | 1 366 458,00 |
| 45. | 390 | кольцо погн. Общим весом 3,10 гр. | 921 250,00 |
| 46. | 405 | Кольцо с гол. кам. Общим весом 9,73 гр. | 2 573 610,00 |
| 47. | 523 | Цепь зв. погн.; браслет. Общим весом 49,20 гр. | 15 162 250,00 |
| 48. | 525 | Браслет. Общим весом 3,63 гр. | 1 133 350,00 |
| 49. | 536 | Кольцо; цепь. Общим весом 20,12 гр. | 5 472 870,55 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **154 308 199,14** |

Аукцион савдолар **2021 йил 18 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 16 август куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2021 йил 18 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 31 август ва 14 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2021 йил 15 июлдаги 339-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавфиси (русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2970 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 70 654 000 |
| 2. | 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2689 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 474 000 |
| 3. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2684 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 65 545 000 |
| 4. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2673 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 457 000 |
| 5. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2997 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 560 000 |
| 6. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2677 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 650 000 |
| 7. | 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2956 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 70 545 000 |
| 8. | 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2700 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 450 000 |
| 9. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2967 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 63 740 000 |
| 10. | 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2957 АА бўлган “NP9A3” русумли ярим тиркама | 65 740 000 |
| 11. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1878 АА бўлган “NP90MV” русумли ярим тиркама | 80 250 000 |
| 12. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1875 АА бўлган “NP90MV” русумли ярим тиркама | 80 460 000 |
| 13. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1876 АА бўлган “NP90MV” русумли ярим тиркама | 80 950 000 |
| 14. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1877 АА бўлган “NP90MV” русумли ярим тиркама | 75 750 000 |
| 15. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1879 АА бўлган “NP90MV” русумли ярим тиркама | 80 740 000 |
| 16. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1899 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 67 750 000 |
| 17. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2655 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 65 450 000 |
| 18. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2654 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 60 427 000 |
| 19. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2661 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 65 670 000 |
| 20. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2666 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 63 354 000 |
| 21. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2663 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 60 452 000 |
| 22. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2659 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 65 460 000 |
| 23. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2667 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 60 452 000 |
| 24. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2662 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 65 754 000 |
| 25. | 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 2657 АА бўлган “ALKAN OTOM” русумли ярим тиркама | 65 650 000 |
| 26. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1849 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 453 000 |
| 27. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1843 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 460 000 |
| 28. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1815 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 645 000 |
| 29. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1810 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 45 654 000 |
| 30. | 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1809 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 451 000 |
| 31. | 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1803 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 345 000 |
| 32. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1802 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 453 000 |
| 33. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1718 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 451 000 |
| 34. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1801 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 45 652 000 |
| 35. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1736 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 645 000 |
| 36. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1225 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 450 000 |
| 37. | 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1720 АА бўлган “OZAKYRAT” русумли ярим тиркама | 50 645 000 |

**Аукцион савдо 2021 йил 16 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 13 август куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 16 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 30 август ва 6, 13 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16:00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
**Тел.:** 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасига
2021 йилнинг иккинчи яримйиллиги учун обуна бўлишни унутманг!
Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

# ЗОМИНДА бунёдкорликлар авжида




**Илҳом АЛИҚУЛОВ,**
Зомин тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда олиб борилаётган узлуксиз ислоҳотларнинг самараси бугун ҳар жабҳада ойнадаги акс каби яққол кўзга ташланяпти.**



Хусусан, тўртинчи йилдирки, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида миллионлаб аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла ҳамда қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Эндиликда ана шу маҳаллаларда бўлганлар қишлоқлардаги ҳар бир кўча ва уйларда қилинган ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолиши турган гап. Нафақат ободонлаштириш, айни пайтда ўнлаб турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган катта-кичик корхоналарни ҳам кўриши мумкин. Илгарилари бундай шароитлар бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган фуқаролар энди бу жойларда, ўз уйлари ёнида, маҳалладошлари билан бирга ишлашяпти.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида илк бор қўлланилган ана шу тажриба тўла ўзини оқлади ва халқимизнинг йиллар давомидаги орзу-армонларини рўёбга чиқаряпти. Мана шунинг учун ҳам йил бошида давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ушбу ишларни янада жадаллаштиришга тўхталаркан, 2021 йилги дастурларни республика ва маҳаллий бюджети томонидан тенг улушларда молиялаштириш таклифини киритди ҳамда халқаро молия институтлари ҳам мазкур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини айтиб ўтганди. Айни пайтда юртбошимиз томонидан эътироф этилган фикрлар мақсадга эришишда дастуриламал бўлмоқда.

"Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастурлари ижросини таъминлаш ишларида секторлар фаолияти айниқса эътиборга моликдир. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламдаги ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, вилоят прокуратураси томонидан ишчи гуруҳлар тузилиб, дастурга киритилган маҳаллаларга туман прокурори ёрдамчилари учун контейнерлар ўрнатилди ва кунлик бажарилган юмушлар назорат қилиб боріляпти.

Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони. Ислоҳотларнинг натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ҳамда аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади, деганлари бежизга эмас. Зомин туманида айниқса, жорий йилда дастурга кўра, катта ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, 103 та қишлоқ ва 37 та маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича 237,4 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган. Масалан, биргина "Пишағар" МФЙдаги 12 та қишлоқнинг қиёфаси мутлақо ўзгариши назарда тутилган.

Йил бошидаёқ бу борадаги ҳаракатлар йўлга қўйилиб, туман комплекс экспертиза марказининг объектлар бўйича хулосалари олингандан сўнг, 66 та объектларга танловлар ўтказилди. Бугунга келиб ана шу жойларда барча ишлар қизғин паллага кирган. Чунончи, йўналтирилган 165,1 миллиард сўм маблағ ҳисобига 21 та қишлоқ ва маҳаллалар тасарруфидаги 57 километр ички йўлларнинг асосий қисми таъмирланиб, белгиланган қисмида асфальт ётқизилди.

Халқимизда "Бўзчи бўзга ёлчимайди" деган гап ўз-ўзидан пайдо бўлмаган экан. Туман асосан тоғли ҳудудда жойлашгани учун ҳам республикамиздаги тоза ичимлик сувига сероб ҳудудлардан бири. Бироқ "қулоқ боши"да яшаётган аҳоли йиллар давомида бу неъматдан баҳраманд бўлиш учун қаерларга бормаган, қанчадан-қанча ташкилотлар эшиги ортида муте бўлиб турганини бир тасаввур қилинг. Аммо бу муаммо шу пайтгача ўз ечимини топмаётганди. Бугун эса ўтказилаётган ислоҳотлар шарофати билан ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сув тармоқларини яхшилаш мақсадида 37,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани ҳисобига 15 та қишлоқда яшовчи 20 мингдан зиёд оила тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, мазкур ҳудудда саккизта сув иншооти бунёд этилди.

Давлат дастури доирасида ижтимоий масалалар кенг қамраб олингани фуқароларнинг эртанги кунга ишончини янада оширяпти. Бир мисол. Электр ва табиий газ таъминоти бўйича сабабсиз узилишлар шу ҳудудда яшовчилар учун ҳам янгилик бўлмай қолганди. Бунинг оқибатида нафақат хонадонлар, балки ишлаб чиқариш тармоқлари, сиҳатгоҳлар ва шифохоналарда белгиланган ишлар орқага кетаётганди. Бундан кейин ана шу ҳолат такрорланмаслигига кафолот бор. Чунки электр тармоғида узилишлар бўлмаслиги учун 15,8 миллиард сўм ажратилиб, 101,7 километрда ишлар бажарилди, муддатини аллақачонлар ўтаб бўлган 35 та трансформаторлар янгиланди. Табиий газ масаласида ҳам барча муаммоларга нуқта қўйилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда бўлганида ва кўплаб тадбирларда ўқув юртларига эътибор қаратаркан "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак", деб таъкидлаши бекорга эмас. Баркамол авлод илк сабоқ оладиган таълим ташкилотлари ҳамда мактабларга шу пайтгача ҳеч ким эътибор қаратмаганди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурларида мазкур масалалар ҳам кенг қамраб олинди. Зоминда жорий йил ҳисобидан ушбу инфратузилмани шакллантириш мақсадида 104, 4 миллиард сўм маблағ доирасида учта қишлоқ ҳамда маҳаллада олтита мактаб, шунча МТТ қурилиши ва қайта реконструкцияланиши белгиланган бўлиб, шу кунгача 5 та умумтаълим мактаблари, 3 та МТТ, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаларида бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилди. Қолганлари ҳам республикамиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида топширилади.

Муҳими, қурилиш ва бунёдкорликлар бир муддат ҳам тўхтаган эмас, керакли ашёлар пешма-пеш етказиб турилибди. Кўчалар ҳамда маҳаллалардаги ободонлаштиришларда фуқаролар фаол иштирок этишяпти. Яқин орада Зомин тумани таниб бўлмас даражада ўзгариб, нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини янада кўпроқ тортиши шубҳасиз.

# Давлатободда шахмат-шашка клуби очилди




**Наманган вилояти Давлатобод туманидаги 48-умумтаълим мактабида 20 июль – Бутунжаҳон шахмат куни олдидан "Shohruh" номли шахмат-шашка клуби очилди.**



**Суратларда:** шахмат-шашка клубида.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Спорт клуби юртимизда спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни шахмат-шашкага янада қизиқтириш мақсадида ташкил этилди.

Клубнинг очилишига бағишлаб ташкил этилган тадбирда ёшлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди.

# ВАТАН ИЧРА ҚАД РОСТЛАЁТГАН ВАТАНЛАР

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги қошидаги "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси техник назоратчиси Хуршидбек Абдурасулов ҳамроҳлигида Гулистон шаҳрида қад ростлаётган кўп қаватли янги бинолардаги бунёдкорлик ишлари билан танишарканмиз, хорижий услубда қурилаётган уй-жойларнинг олдида узоқ термулиб турган чамаси саксон ёшли отахон эътиборимизни тортди.**

– Қурилишлар ичида нималар қилиб юрибсиз, – деган савол билан у кишига юзландик.

– Ўз уйинг, ўлан тўшагинг бўлганига нима етсин, – деди отахон ўзини Қосим бобо деб таништираркан. – Кампирим билан беш нафар ўғил ва уч қизни вояга етказдик. Иккаламизнинг ҳам умримиз далада – пахта майдонларида ўтди. Барчасини уйлантирдик, йигирма нафардан ортиқ невара-чевараларимиз бор, шу кунларга етказганига ҳаётдан рози бўлиб нафақа гаштини суряпмиз. Бир неча йиллардан буён қишлоқдаги саккиз сотихли ҳовлида ҳаммамиз бирга яшардик. Шукрки, фарзандларим тарбияли, бир-бирларини доимо қўллашади, шу пайтгача бирон марта ҳам оиламизда дилхиралик бўлган эмас.

Лекин қани энди ҳар бирининг ўз уйи, Ватан ичра ватани бўлса, деган орзу-ҳавас доимо бизни қийнаб келарди. Хайриятки, биз сингари оилалар ва кам таъминланган хонадондагиларнинг ҳам орзулари ушаляпти. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан уй-жойга муҳтож кишилар бошпанали бўлишмоқда. Уч йил аввал Гулистонда уй-жойлар қурилаётганини эшитиб, вилоят ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилгандим. Ҳеч вақт ўтмасдан махсус комиссия келиб, хонадонимиздаги шароитларни ўрганди ва ўғилларимга янги қурилаётган уйлардан олишлари учун банкдан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашди.

Икки нафар фарзандим аввалги йилларда ўз уйларига эга бўлишди. Бу ерда туришимнинг боиси мана шу етти қаватли бинодан яна бир ўғлимга 2 хонали квартира ажратилган экан, бориб бир кўрайчи, балки битиб қолгандир, деган мақсадда келиб, ҳайратдан лол қолиб турибман. Сабаби, уч ой аввал ҳам бу жойда бўлганимда биноларнинг пойдевори энди қурилаётганди. Бугун эса тўла қад ростлаганидан ташқари, бу иморатлар шаҳардаги бирорта бинога ўхшамаётгани ҳайратлантириб турибди.

Отахоннинг эътироф этганлари бор ҳақиқат. Бугун юртимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотларнинг шарофати туфайли Сирдарё вилояти фуқароларнинг ҳам йиллар давомида тўпланиб қолган барча муаммолари ечим топяпти, минглаб оилалар ўз хонадонига эга бўлиб, фаровон турмуш кечиряпти, келажак янада порлоқ бўлиши учун ўзлари ҳам меҳнат жабҳаларида ташаббуслар кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Дориломон кунлар бардавом бўлиши учун айни кезларда ҳам аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналиши қилиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги ва ўша йили 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мақсадга эришишда муҳим дастур бўляпти.

Ана шу қарорлар ижросини таъминлашда вилоят бунёдкорлари ҳам бир-бирига ўхшамаган янги лойиҳалар тайёрлаб, улар асосида замонавий турар жойларни қуришда бошқалардан ортда қолмаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида уй-жойга муҳтож кўплаб фуқароларнинг талаб-эҳтиёжлари қондирилди. Шунингдек, арзон ва кам таъминланган оилалар учун ҳам ўндан ортиқ кўп қаватли уйлар қуриляпти, уларнинг аксарияти давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилиши учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Мақола аввалида кекса отахон билан боғлиқ мисолни келтиришимизга сабаб бор: Гулистон, Мирзаобод каби туманларда ҳам бўлганимизда, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Мазкур ҳудудлардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси замонавийлаштирилган, ички кўчалар тартибга келтирилиб, ҳар бир маҳаллада камида 2-3 та спорт майдончалари, турли хил ишлаб чиқариш кичик корхоналар қурилиб, ёшлар ишли бўлишган. Гузарларда ўтириб, чойхўрлик қилаётган ёши улуғлар билан суҳбатлашсангиз, бу ўзгаришлар кейинги 4-5 йил оралиғида бўлганини таъкидлаб, шундай давлатда умргузаронлик қилаётганидан миннатдорлик изҳор этишади.

Дарвоқе, Қосим бобонинг "бу иморат шаҳардаги бошқа бирорта ҳам бинога ўхшамайди", деганича бор. Бир йилча бўлиб қолди, Сардоба туманидаги талафотдан сўнг, қайта тиклаш ишлари жараёнида қурувчиларимиз шу ҳудуддаги 1-умумтаълим мактаби биносини енгил конструкцияли газоблокдан бунёд этишганди. Айни пайтда мазкур конструкция ҳар томонлама қулайлиги, иссиқ-совуқ иқлимга мослиги ва камхаржлиги билан ўзини оқлади. Бобони ҳайратга солган бинолар ҳам Туркия давлати лойиҳаси бўйича газоблокдан вилоятда илк бор етти қаватли уй-жойларга қўлланилмоқда.

Қурувчиларнинг таъкидлашларича, мазкур материал бинонинг сифатини ошириб, зилзилабардошлиги, ҳар қандай табиий шароитга чидамлилиги, қолаверса, ортиқча чиқимларга барҳам бериши билан ажралиб тураркан. Шу материал асосида бунёд этилаётган 3 та бинонинг сарф-харажатлари ҳам қизиқтирди. Айтишларича, ҳар бирига 14 миллиард сўмдан маблағ ажратилган экан. Бошқа қурилиш ашёларидан тикланаётган худди шундай етти қаватли уйларнинг харажатлари эса бундан кўпроқ бўлишини билдиришди.

Бир сўз билан айтганда, вилоят бунёдкорлари энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида яна юзлаб хонадонлар аҳлига қувонч олиб кириш учун кунни тунга улаб меҳнат қилишяпти. Яхши ният ва мақсад эса ҳамиша ижобат топғусидир.

**Ўз мухбиримиз.**

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари **Насрулла Бабаев,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Анвар Мирзакаримов,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборанти **Бекзод Ҳасанов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Ахмад Холов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бухгалтери **Мурат Таджиев,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Фаррух Иброҳимов,** Девонхона, ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими иш юритувчиси **Зебо Махмудова,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори **Анвар Асқаров,**

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Фармон Қаршиев,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Шукур Азимов,** Оқолтин тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Абдулатиф Қудратов,**

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ойбек Хабибуллаев,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Аълохон Шарапов,**

Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Эрали Отажонов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-743.
2321 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 01.40. Топширилди – 02.30. 1 2 3 4 5 6